

Ўлжамол АСКАРОВА

ВАТАННИ АСРАБОН  
ЮРАК ОСТИДА...



2

ЖАМИЛА АЯНИНГ  
МАКТАБИ



4



8

ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ,  
УМРИМИЗ ЕТАДИ!

## ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



### БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙДА КУТИБ ОЛИШДИ

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун 30 хонадонга мўлжалланган уч қаватли замонавий янги уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол ёшлар ва нурунийлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар туфайли замонавий қурол-яроғ, техника ва профессионал ҳарбий мутахассислар билан

таъминланган, ҳаракатчан миллий армиямиз барпо этилди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизими яратилиб, уларнинг оила аъзоларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийлар оиласи учун 436 хонадонга мўлжалланган янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунинг ёрқин далилидир.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Термиз шаҳрида фойдаланишга топширилган 30 хонадонга мўлжалланган янги уйда барча шароитлар яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, шинам. Ошхона ва бошқа қўшимча хоналар замонавий усулда жиҳозланган. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун замонавий ўйин майдончаси, очиқ сув ҳавзаси бар-

по этилган. Замонавий уй “Саодатбону – Азиза – Термиз” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан белгиланган муддатда бунёд этилди. Бунинг учун уч миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Уч хонали янги уй Ватан ҳимоячилари куни арафасида оиламиз учун муносиб совға бўлди, – дейди офицер Баҳодир Зулфиқоров. – Бу ерда яратилган шароитлардан фарзандларимиз, айниқса, хурсанд. Бу биз, ҳарбийларнинг шарафли вазифамизни кўнгил тўқ, хотиржам адо этишимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Кексаларни эъзозлаш йилининг дастлабки ойида ҳарбийларга бундай замонавий уйлارнинг топширилиши нурунийларимизда ҳам ўзгача ҳавас уйғотиб, уларда тинч ва осуда Ватанда яшаётганидан фахр-ифтихор туйғусини янада кучайтирди.

Тадбирда янги уйнинг калити топширилган чегарачиларнинг фарзандларига байрам совғалари улашилди.

Х.Маматрайимов,  
Фарҳод Абдурасулов (сурат), ЎЗА

## МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ

Саҳобатхон опа Шокирова ўзининг куюнчаклиги, эддошлари хизматига ҳамisha шай бўлганлиги боис Наманган шаҳридаги «Тўқимачи» маҳалласи аҳлининг ҳурматини қозонган.

— Кўп йиллар «Наманган текстиль» акционерлик жамиятида ишлаганман. 2006 йилдан бери шу маҳаллага тўрт мартаба раисаликка сайландим, — дейди Саҳобатхон опа. — Маҳалладошларимнинг бундай юксак ишончи зиммамга ниҳоятда катта вазифаларни юклайди. Худуд аҳлининг тотувлигига, кўни-кўшилар ўртасидаги ўзаро аҳиллик ва меҳр-оқибатнинг кучлилигига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Ободонлаштириш ишларида, умумхалқ ҳашарлари ва байрам тадбирларини ўтказишда ўндан зиёд миллат вакиллари бўлган 3250 нафардан зиёд аҳолимизнинг ҳамжихатлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Қолаверса, эзгу ишларимизни амалга оширишда хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларга хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раиси Равзахон Акбарова бошқош. Маҳалламизда истиқомат қилаётган 1504 нафар хотин-қизнинг кўпчилиги зиёли, давлат ташкилотларида меҳнат қилишади. Маҳалла тасарруфидаги 22 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг 20 тасини аёллар бошқаради. Бу хотин-қизларнинг жамиятда нуфузи юксалиб, салоҳиятларини тўла намоён этиб боришга қўл кўчирганга кичик бир далил; ҳолос. Энг муҳими, хотин-қизларимиз ҳунар ортидан инсоннинг рўзғори бут, ҳаёти фаровон бўлишини тобора теранроқ англаб етишяпти.

«Тўқимачи» маҳалласининг кундан-кунга обод бўлиб бораётганида тадбиркорлик, ҳунармандлик ва касаначилик билан шугулланаётган ҳамюртларимизнинг алоҳида ҳиссаси бор. Айни пайтда ҳудудда 51 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатяпти. Шу кунларда Лолахон Тоҳирова ва Ҳавасхон Жўраевалар машиий хизмат кўрсатиш ва савдо йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида туришибди. Тўқувчилик ҳунари ортидан оиласига фаро-

вонлик олиб кираётган Зулхумор Юнусова ўзининг уч фарзанди ва маҳалланинг 20 нафардан зиёд қизларига бу ҳунар сирларини ўргатмоқда. Мазали пишириқлари, пазандалиги билан танилган Шаҳнозаҳон Мадумарова эса байрам кунлари кўни-кўшни қиз-аёлларни ёнига олиб, буюртмалар тайёрлайди, тўйлар учун кўрпачушаклар қавиш билан шугулланади.

Маҳалла эса кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Ўтган йили Наманган шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари бу гўшада ҳам ўз аксини топди. Болажонлар учун бир нечта майдончалар барпо этилди. Аҳолининг саломатлигини асраш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар йўлга қўйилган. Айниқса, Наманган шаҳар 1-шифохонаси ва 8-оилавий поликлиника ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

— Ҳар бир аёл, ҳар бир она энг аввало, оиласи, болалари тинчлиги, тани-сихатлиги, камоллини ўйлайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Яшаб ўтаётган ҳар бир кунимиз бизга ўзига хос сабоқ беради. Агар ҳар биримиз бундан хулоса чиқара олсак, тинч ўтган ҳар кунимизга шукроналар келтирсак, эртаимиз бугунгидан-да обод ва файзли бўлади. Ҳаётимда кечган яхши-ёмон кунларимда маҳалладошларимга суюндим. Бундан тўрт йил аввал ёлғизгина, кўзимнинг нури дийдаси ўғлим Жасурбек дунёдан ўтди. Мен учун дунё торайиб қолгандек эди. Ана шундай пайтда маҳалладошларим менга елка тутишди, далда бўлишди, ғамларни унуттишга ундашди. Улар туфайли ҳаётга қайтдим. Улардан бир умр қарздорман. Шу боис ҳар кун яхши ниятлар билан ишга келаман. Нуруний отахон ва онахонлар билан бамаслаҳат муаммоларимизни ҳал қиламиз. Янги-янги ишлар режасини тузамиз. Ҳамжихатлик бор жойда барака унади, деган гап беҳизга айтилмаган экан, маҳалламиз кундан кунга обод бўлиб бормоқда.

**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Наманган вилояти.

## «ЭЪТИРОФ»

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, жамият янгиланишидаги жараёнларни ёритиш, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардор бўлиши, ОАВ нуфузини ошириш ва журналистларнинг касбий маҳорати ўсишига кўмаклашиш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари журналистлари, шунингдек, блогерлар ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

### Танлов номинациялари:

- энг яхши босма ОАВ журналисти;
- энг яхши йил фотосуратчиси;
- йил дебюти (илк бор ўзини танитган);
- энг яхши тармоқ ОАВ журналисти;
- энг яхши йил блогери;
- энг яхши худудий газети.

### Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Таддим қилинган ижодий ишлар 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январигача бўлган даврда босма ва интернет нашрларда

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

чоп этилган бўлиши керак. Фолиблар куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- мавзунинг жамиятда аҳамиятга моликлиги, долзарблиги ва материал мазмуни;
- ёритишдаги маҳорат;
- материални тақдим этиш шакллари янгилиги, ўзига ҳослиги ва ифодалилиги.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нуسخаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган тахрирлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

### Фолибларни тақдирлаш

Танлов фолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2015 йил 4 февралгача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент ш. А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона.

Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

### Ташкилий кўмита

Шунингдек, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Жамият ва мен» танловини ҳам эълон қилди.



ЗУЛФИЯХОНИМ  
ИЗДОШЛАРИ

Гулжамол АСКАРОВА

## ВАТАННИ АСРАБОН ЮРАК ОСТИДА...



Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида таваллуд топган. 2001 йилда адабиётдаги ютуқлари ва ижтимоий фаоллиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. «Дил фасли», «Рўшнолик», «Бедор кўнғироқ», «Бахт дастхати», «Уйғотувчи алла», «Гулнома», «Турналар йўли», «Эркалик имтиёзи», «Ошиқлар тумори» каби китоблари чоп этилган.

Айни пайтда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида бош мутахассис сифатида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтидорли қизларнинг истеъдодини рўйбага чиқариш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссасини кўшиб қилмоқда.

### БИТТА ВАТАН

*Одамлар бегона эларда юриб,  
Саёҳат завқидан айлармиш хузур.  
Энг гўзал ўлкага йўлмасалар ҳам,  
Мен бундай хузурни туймадим, узр.*

*Яхшидир эҳтимол бегона элда,  
Баланд бинолардан ҳайрат топмоқ.шк.  
Мен учун яхшидир ўз уйишамнинг  
Эшигини ҳар кун очиб ёпмоқ.шк.*

*О дерлар, воҳ дерлар ўзга юртларни,  
Сайр ила саёҳат айлаган дўстлар.  
Улар айтадилар ғалат эмишман,  
Феълимда бор эмиш кўп каму кўстлар.*

*Биламан, ўз юртин телбадек севган,  
Битта беморман мен дўстлар наздида.  
Ҳа, менга шарафли жимгина яшаш,  
Ватанни асрабон юрак остида.*

*Айтарлар: истасанг ҳамма юрт Ватан,  
Мақон айлаш мумкин ҳар не чаманни.  
Йўқ! Мен Худойимдан сўраб олганман,  
Битта пешонамда битта Ватанни!*

### ШОИР

*У нурлар бағрига киради секин,  
Илоҳий ҳарфлар кўрингач зарҳал.  
Шеър уни бағрига олади сокин,  
Рухида вуқонлар уйғонган маҳал.*

*Ишқ келиб қаламини тутар қўлида,  
Бошларини оғриқлар, дод солар ғамлар.  
Яқинроқ боради олис ўлимга,  
Денгизлар тубида ёнади шамлар.*

*О, бу шеър азоби, тўлғоқларида,  
Билимас рангларнинг кўнғир, оқлари.  
Ҳаёт ва ўлимнинг қирғоқларида,  
Бонг урар руҳининг кўнғироқлари.*

*Ниҳоят туғилар муқаддас сўзлар,  
Юз берар ҳаёт ва ўлим висоли.  
У энди лаззатли уйқуга кетар,  
Кўзлари ёриган она мисоли.*

# АСКАР АКАДЕМИЯСИ

Марказий ҳарбий округ ҳудудида жойлашган дала-ўқув майдонида артиллериячиларнинг бир ойлик йилги машғулоти бўлиб ўтди.

## Тор кўтарган йилги

Тошкент темир йўл вокзалида кўлида тор филофини кўтариб келаётган йилгитни кўриб, ҳарбий студия тасвирчиси, капитан Фозил Ходжаев вагон кузатувчисига деди:

— Илтимос, шу йилгитни бизнинг вагонга олинг!

Унинг бу гапидан кулдик. Чунки бошқа йўловчилар каби тор кўтарган йилгитнинг ҳам кўлида чиптаси, чиптада эса қайси вагон ва қайси ўрин уни эканлиги кўрсатилган. У биздан анча наридаги вагонга яқинлашди. Биз эса “Сиз кининг, сиз кининг”, дея мулозамат билан вагонга чиқдик, чиптада кўрсатилган купега жойлашдик.

Поезд кўзгалганидан кейин бироз вақт ўтди. Ҳамроҳим чой дамлашга чиқиб, хурсанд кайфиятда кириб келди.

— Ҳофиз қўшни купеда экан, — деди у. — Гаплашдик, бизни купега ҳам кининг, чойимиз бор, дедим.

— Унинг хофизлигини қаердан билдингиз?

— Тор кўтариб юрганидан кейин қўшиқчи бўлмай ким бўлади?

Фозилнинг айтгани рост экан. Орадан кўп вақт ўтмай, “хофиз” бизнинг купега тор билан кириб келди. Саломалиқдан кейин маълум бўлдики, у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида кафедра бошлиғи экан. Ўзини Озодбек, деб таништиради. 26 ёшда.

Мумтоз қўшиқлар, халқ лапарлари, хоразмча оҳанглари эшитганларни купе олдида “Яшанг, хофиз”, дея ўтиб кетишарди. Беш, ўн дақиқалар ўтиб, тор ҳам, овоз ҳам созланди, Озодбек Махтумқулидан бошланди.

## Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Ўз юртининг янтоғича кўринмас.

Бармоқ зарбидан чиқаётган оҳанг Махтумқули сўзларига жон бағишларди гўё. Туркманнинг катта шоири Махтумқулининг шеърга жойлаган маънолари кўп ҳодисаларни ёдга солди. Тингловчи — тўрт йўловчи, гўё дунёнинг тўрт томони, гўё тўрт унсур... хаёл шундай кетди. Хофиз эса сел...

Поезд манзилга етиб келди. Соат 01. 28. Теварақда изгирин ҳукмронлик қилса-

да, сезилмайди. Кулоқларимиз остида жаранглаб турган куй ва қўшиқлар бизга руҳ бағишлаганди: “Ўз элининг янтоғича кўринмас”...

## Оёғим тупроққа ботди

Жаркудук, Ингичка, Сепки деган кишлоқларни ортда қолдириб, манзилга етиб келдик. Ке чикмаб миз.

Ҳарбий техника воситалари паркида биринчи машғулот бошланди. Машғулот раҳбари, подполковник Отабек Яхшимуродов ҳарбий қисм командири ва уларнинг ўринбосарларига ҳарбий техника воситаларига ўқ-дориларни юклаш, шахсий таркибининг жанговар машиналардан ўрин олиши, машиналар колоннасини маршга тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича тушунтиришлар берди. Шундан кейин колонна йўлга чиқди.

Йўл бўйида дашт ўсимликлари кўп учрайди. Айниқса исирик. “Ўз юртининг янтоғича кўринмас”. Махтумқули топиб айтган-да.

Юк машинасига тўплар тиркалган, унинг кузовида ўтирган аскарлар нималар ҳақда ўйлаётган экан? Балки ота-онаси ҳақида, ёхуд кенгликлар ҳақида, ё бироз фурсатдан кейин бўлиб ўтадиган жанговар отишлар ҳақида ўйлаётгандир.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, дивизионнинг жамланиш ҳудудига етиб келдик.

— Бу ерда дивизионнинг учта батареяси жойлашган, — дейди майор Жобир Маъмуров. — Жойлашшдан олдин муҳим жиҳатларга эътибор бердик, яъни жамланиш ҳудуди шахсий таркибининг жангга тайёргарлик кўриши, дам олиши ва химояланиши учун қулай бўлиши керак. Бу жойда бир неча дала йўллари-нинг борлиги, алоқанинг яхшилиги, душманнинг ҳаводаги ҳужумидан химояланиш имкониятининг кўплиги бизга маъқул бўлди. Моддий таъминот гуруҳларини ер ос-



тига жойлаштирдик. Кўришингиз мумкин, марҳамат.

Йилги катнашчилари билан ўқув нўқталарини кўздан кечира бошладик. Бир неча турдаги артиллерия техникаси шундай никобланган эдики, яқинлашмагунча унинг борлигини билмадик. Бир вақт оёғим юмшоқ тупроққа ботди. “Сиз ертўланинг устида турибсиз”, дейишди. Айланиб ўтиб, унинг ичига кирдим. Бу жой батарея командирининг ячейкаси экан. Деворга харита илинган. Кимдир компьютерда, кимдир алоқада — иш қизгин эди.

## Вертолёт авиацияси билан ҳамкорликда

Кейинги ўқув нўқтаси, яъни отиш позициясигача яна 50 километр йўл босдик. Капитан Алибек Шарипов командирлик қилаётган батарея ҳарбий хизматчилари жанговар техникани алақачон жанговар шай ҳолга келтиришган.

— Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида кўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича турли модель ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шу боис бу йил ўқув машғулотларимизни биринчи марта Куруқликдаги кўшинларнинг Вертолёт авиацияси билан ҳамкорликда ўтказяпмиз, — дейди Муҳофаза вазирлиги Бош штаби артиллерия бошқармаси бошлиғи — артиллерия кўмондони, полковник Шав-

кат Мамажонов. — Биласизми, ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техника воситаларини қўллаш, жанг олиб бориш тактикасининг шакл ва услубларини тубдан ислоҳ қилган, ким ва нима учун жанг қилаётганини тушунган кўшиннинг ҳаммиша қўли банд келган. Шунинг учун ҳарбий иш соҳасида онгимизда қотиб қолган, ўтган асрда ишлаб чиқилган қоидаларни қайтадан кўриб чиқиб, машғулотларни бугунги замон талаблари асосида режалаштирдик. Бу жараёнда замонавий технологиялардан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бу вақтда батареялар шахсий таркиби жанговар отишга тайёргарликни бошлаб юборганди. Қўқда пайдо бўлган вертолёт кўмондонлик пунктига керакли маълумотларни етказди. Ҳисоб-китоб, кўшув-айирув амаллари бажарилиб, тўп командирларига буйруқ берилди: — Ўт оч!

## “Дўл” отишга тайёр!

2013 йил Куролли Кучлар миқёсида ўтказилган “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловида “Энг илғор сержант” номига сазовор бўлган жанговар машина командирини, сержант Алижон Абиловни ҳам шу ерда учратдик. У уч метрлар чамаси узунликдаги снарядни отишга тайёрлаётганди.

— Снаряднинг оғирлиги 50 килограмдан ортик, — дейди у биз билан суҳбатда. — Жанговар машинанинг отиш

узюклиги 20 минг 400 метр.

— Нишонни кўрмай туриб отар экансизлар-да, — дейман ҳазил аралаш.

— Душманни кўрсак-да, кўрмасак-да яқсон қиламиз, — дейди у ҳам хозиржавоблик билан.

— Бу йилги танловда иштирок этмадингиз шекилли? — деган саволимизга у шундай жавоб берди:

— Танлов мен учун жуда катта мактаб бўлди, десам адашмайман. Чунки унга тайёргарлик кўриш вақтида ўзимнинг камчиликларимни яққол сездим ва уларни тўғриладим. Бу йилги танловда катнашмаганимнинг сабаби — бошқаларга ҳам навбат берай, улар ҳам ўз кучини синаб кўрсин-да, дедим. (Унинг юзида кулги ифодаси пайдо бўлади).

“Дўл” (“Град”) снарядлар билан ўқланди. Сержант Абилов катта йўналтирувчи хоразмлик оддий аскар Феруз Сафарбоев билан бошқарув пунктидан берилаётган маълумотларга кўра нишонни мўлжалга олди.

— Иккинчи жангга тайёр!

— Яширин!

Жанговар машина расчёти хандаққа тушди. “Ўт оч!” буйруғидан кейин снарядлар олов пурақаб, суронли овоз билан учиб кетди.

## Катта ва ўлмас

### қўшиқларга мавзу

“Ураган” — “Довул” ёки «Бўрон» деб номланган жанговар машинадан ҳам бир неча снарядлар отилди. Соат 17.00 да бошланган жанговар отишлар тунги машғулотларга улашиб кетди. Бир-биридан ўнлаб километр узюқликда жойлашган ўқув нўқталарида биринчи қорнинг изгиринини писанд қилмай, жанговар машқларни юксак маҳорат билан бажараётган оддий аскар, сержант ва офицерлар ўз ишидан мамнун эди. Андижонлик оддий аскар Жаҳоҳир Каримжоновнинг гапи ёдга тушади. “Ҳарбий хизмат муддати яқунлангани сари кетгинг келмай қоларкан”, деганди у. Бизнинг ҳам қайтгимиз йўқ эди, бироқ кўлимизда поезд чиптаси. Балки хоразмлик хофиз ҳам қайтаётгандир пойтахтга “Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, ўз юртининг янтоғича кўринмас”, дея. Аммо биз чиққан вагонда у кўринмади. Бироқ капитан Фозил Ходжаевнинг видеотасмаларда, мендаги фотоаппарат ва ёндафтарда катта ва ўлмас қўшиқларга мавзу бўладиган ёзувлар бор эди.

Фуркат ЭРГАШЕВ.

## ТИББИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛДИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди жисмонан бақувват, маънан етук фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида “Соғлом она — соғлом бола” шiori остида қатор тадбирларни уюштириб келмоқда.

Эътиборли жиҳати, Қорақалпоғис-

тон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари жойлардаги Соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда республикаимиздаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган саккиз мингга яқин ҳарбий хизматчи

ва уларнинг оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Шундан 3811 нафари аёллар, 3629 нафари болалар ва 298 нафари ўсмирларни ташкил этди.

Шунингдек, мазкур хайрия фонди ташаббуси билан Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан Тошкент

олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти зобитлари, курсантлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фақуллода вазиятлар вазирлигининг ҳарбий хизматчилари ҳузурда ташкил этилган маданий-маърифий тадбирлар кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

# ЖАМИЛА АЯНИНГ МАКТАБИ

...Уч ёшли Фотиҳ тоғ отди дегунча бир ёшли синглиси Элизани кўтариб, Жамила момонинг олдига чопади. Энди нуштага ўтириши биланок, кечқурун эшитган эртагининг давомини бувижонисидан сўрайди. Онахон ҳам соддалик билан ўзининг етмиш йиллик умри давомида бошидан кечирган не-не қувончли ва ташвишли кунларини гоҳ эртакка солса, гоҳида ўзи ҳам болалигида эшитган чўпчакларни сўзлаб беради.

— Данагидан мағизи ширин” деган гап бежизга айтилмаган экан. Туну кун невараларим атрофимда парвона. Энди ўйлаб кўрсам, ёмон буви эмас эканман-да, шунинг учун ҳеч зериктиришмайди умринг узоқ бўлгурлар. Кеча эринмай санаб чикдим, йигирмадан ошибди шоввозлар, — дейди Паркент туманидаги Чанги қишлоғида яшовчи Жамила ая Абдумўминова. — Ҳар бирининг тарбиясида озгина бўлса-да, ҳиссам борлигидан қувонаман. Болалар кўпроқ тинглашни яхши кўради, уларга қизиқарли эртақлар айтишга баъзан ота-оналарнинг вақти йўқ. Китобни ўқиб-ўргангунча бўлган вақт оралиғида, уларга эртақлар айтиш хотираларини мустаҳкамлаш, китобга қизиқишини орттириш билан бирга тарбия воситаси ҳамдир.

Бир кун кенжа набирам Фотиҳ гулни синдириб қўйиб йўғлаб ўтирган экан. Мен уни овутиб: “Кўявер, оингга айтмаймиз” дедим. Шунда у: “Йўқ, бувижон, ахир ўзингиз менга ёлгон гапирингиз ёмон дегандингиз-ку, ҳаммасини айтиб, кечирим сўрайман”, деди. Шунда мен айтган ҳар бир ибратли воқеа наби-раларим онига қанчалик таъсир қилишини, бобо-момолардан эшитган ана шундай пурмаъно хикматларни вуждларига сингдириб камолга етаётган болаларда ўзига хос одамийлик хислатлари

шаклланишини чин дилдан ҳис этдим.

Бугун, улуг неъмат мустақиллик қадрига етиб, юрти-мизда яшаётган барча аҳоли қатламларига, айниқса, кекса нурунийларга яратиб берилаётган имкониятлардан

экан. Тақдир экан-да, бевалик азоблари, устига устак ўн олти боланинг бошини силлаш, едириб-ичириш, қийинтириш каби ўта машаққатли вазибалар унинг чекига тушди. Аёлнинг қирқта жони борлиги ҳақидаги азалий ҳақиқат

уларни ҳам айбсиз демайман, ўртадаги холис одамман, нима қилсам улар онам-ку, кел, ана шу холис-лигим учун ҳам уларнинг иззатини жойига қўй”, деганларининг ўзи менга тоғдай далда бўларди. Меҳрга зор болаларнинг ҳақида гап очил-гудек бўлса: “Унутма, ҳам-манинг кўз-қулоғи ҳозир бизда, қани, улар сеники-меники демасмикан, бара-вар саховат кўрсата олармикан, деб кузатиб туришибди. Шунинг учун бирор-тасининг кўнглини ўқситма, аввал шуларни уйли-жойли қиламиз, кейинги навбат ўзимизникига”, дер эдилар. Қисматнинг шўрлигини қаранги, орзулари армонга айланди, бир ўзим шунча болага ҳам ота, ҳам она бўлиб, туну кун тинмай ишладим, елиб-югурдим. Лекин бирор марта: «Қийналдим, шу митти жонимга бунча азоблар нечун», деган таъна, маломатни айтмадим. Шукр қилдим, сабр қилдим, мана, энди ана шу меҳнатимга яраша Яратганнинг мукофотини олаяман.

Бугун инсон кадр-қиммати, аёл тақдири, шаъни эъозланаётган озод ва обод юрда яшапмиз. Ўзлигини унутиб, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилиб, гулдек оиласини хўрлаб, норасида фарзандларини ташлаб кетаётган айрим эркек ва аёллар бугунги қаҳрамонимиз Жамила ая Абдумўминова ҳаётидан хулоса чиқармоқлари жоиз деб ўйлаймиз. Бундай ибратли фазилат соҳибалари орамизда жуда кўплигини ҳам биламиз. Қувончлиси, уларнинг шарафли ҳаёт йўли, таъбир жоиз бўлса, яратган оила мактаблари кўпчиликлари намунадир.

## Жамила аянинг ҳикояси:

— Ҳамма оилада муаммо, ташвиш бўлади, бусиз мумкинмас. Сира эсимдан чиқмайди, турмуш ўртоғим ҳаётлигида ишдан келгани заҳоти юзимга қараб, кайфиятим қандайлиги билан қизиқарди. Сал тушкунроқ кайфиятда бўлсам, менга далда берарди. Баъзан қайнонам билан муросамиз ўхшамайроқ қолса: “Эшит, мен сени ҳам,



қирқ ёшида эридан айрилиб, бу ҳам камлик қилганидек, ўзининг ўн нафар дилбанди ёнига қутилмаганда ота-онасидан етим қолган овсинининг ҳам олти боласини қўшиб катта қилган бу муштиптар аёл қисматида яна бир бор исботланди. Аналик меҳри, қолаверса, ўзбекона андиша, беқийс муҳаббат туйғуси бу аёлга куч берди, қудрат бағишлади.

Жамила аянинг ҳикояси, Жамила момонинг ҳам бошидан оғир қийинчиликлар ўтган

Камола АДАШБОВА,  
журналист.



**КАСР** — математика фанида “каср сон” деган тушунча бўлиб, у бутун соннинг бир қисми маъносини ифодалайди. Бунга “каср” сўзининг туб илди-зи “парчаланиш”, “синиш”, “синиқ парча” маъноларини англатиши сабаб бўлган. Шунингдек, тилимизда “каср топди” деган ибора ҳам бўлиб, у кимнингдир нотўғри ҳатти-ҳаракати натижасида жиддий зарар кўриши, синиши маъносини ифода-лайди.

**Бирнинг касри** — мингга, мингнинг касри — туманга.

Мақол

**Каср топмай десанг,**  
инсофли бўл.

Газетадан

**ЖАВЛОН УРМОҚ** — тилимизда ғайрат-шижонат кўрсатмоқ, бирор нарсага ҳозирлик кўрмоқ, отланмоқ маъноларини англа-латадиган “жавлон урмоқ” бирикмаси аслида “сайр қилмоқ” деган мазмунни ифодалайди. Чунки, “жав-лон” сўзининг туб маъноси “юриш, сайр қилиш, адашиш” деган маъноларни билдиради.

**Мана бу от-арава сизники, сизга бердим, қани, ўтириб бир жавлон қилиб келинг.**

Ойбек

**Маликаи айёр, агар турсанг сўзингга, Сенинг билан йўлга жавлон қилайин:**

“Гулшанбоғ”  
достонидан

**АВГУСТ ВА АСАД** — янгила йил ҳисобида саккизинчи ой номини билдирган “август” сўзи асли лотин тилидан тилимизга кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “олий”, “муқаддас”, “улуг” деган маъноларни англатади. Шунингдек, қадимги Рим императорларидан бирининг номи ҳам “Август” бўлган. “Асад” сўзи эса, август ойининг шарқона номла-ниши ва ўн икки бурждан бирининг номи бўлиб, бу сўз “арслон”, “шер” деган маънони англатган.

**Асад тонгларининг салқин ҳавоси кўнгилга ажаб бир фараҳ бағишлайди.**

Газетадан

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.

## Алишер Навоий хикматлари

### КўП ДЕГАН КўП ЯНГЛИШАДИ

Эркакларнинг кўрга-зиш учун ясанмоғи хотинларнинг ўзига зеб бериш учун безанмоғи кабидир. Вахоланки, бу иш иккови-га ҳам ярамайди, аммо эркакларга кўпроқ шармандалиқдир. Барча ўзини кўрсатиш ва безаш касали билан оғриган ва бундай қилиш эса бу иш ўз қошларида яхши кўри-ниш ҳар кимнинг ўзига яхши туюлишининг очик далилидир...

\*\*\*

Фано аҳлига кўп сўзламоқ — макбул эмас,

кўп эшитмоқ — матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ бўштади... Кўп деган кўп янглишади, кўп еган кўп йиқилади...

Тан касалларнинг асоси кўп емакдир, кўнгил касалларининг асоси кўп демак. Кўп демак сўзга бино қўйганлик, кўп емак нафсга бўйсунганликдир. Кишига бу сифатлар ортиқчалик қилади, барчаси ўзига берилганликка олиб келади. (“Маҳбуб ул-қулуб”дан)

**Мохинур КОДИРОВА**  
тайёрлади.

## ҲАЁ ЙЎҚОЛСА...

Жуда қадим замонларда барча фазилат ва хислатлар — Илм, Бойлик, Кибр, Ҳаё, Даво — бир ўрмонни макон тугишган экан. Нима бўлибди-ю, ўрмонга ўт тушиб, ҳамма ёқни аланга қоплай бошлабди. Фазилат ва хислатлар омон қолиш учун турли томонга қочинга шайланишибди. Шунда Илм айтибди:

— Мени йўқотиб қўйсангиз, мадрасалардан, таълим масканларидан изланг, ўша ерда бўламан.

Бойлик дебди:  
— Агар мени кўрмоқчи бўлсангиз, сарой ва қасрлардан қидиринг, шунда топишингиз мумкин.

Кибр айтибди:  
— Йўқолиб қолсам, Бойликин-нинг ёнида бўламан.

Даво дебди:  
— Мени шифобахш ўт-ўлан, доривор гиёҳлардан қидиринг, ёнигизга келаман.

Ҳаё эса негадир индамай турганими. Шериклари ундан нега жим эканлигини сўрашганида у:  
— Агар мени йўқотиб қўйсангиз, излаб овора бўлманг. Чунки бир марта йўқолсам, мени қайта ҳеч қаердан топа олмайсиз, — дея жавоб берибди.

Қиссадан ҳисса шуки, барча нарсаларни топишимиз, вақти соати билан қўлга киритишимиз мумкин. Лекин, инсоннинг ибод, ҳаё, андиша, уят каби бебаҳо хислатлари йўқолган, уни қайта топиш анча мушкул. Ўзининг ҳаёси билан ибрат бўлувчи кишилар дунёдаги энг бадавлат, бой кишилардан-да мартабалироқдир. Чунки, улардаги ушбу фазилат фақат ўзлари учун эмас, балки ўзгалар учун ҳам хуш ёқади.

**Ширинхон МҲМИНОВА,**  
ЎзДЖТУ талабаси.

# “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Ватанимиз тинчлиги  
ва барқарорлигини,  
мусаффо осмонимиз ва  
сарҳадларимиз дахл-  
сизлигини, бир сўз би-  
лан айтганда, энг улуғ,  
энг азиз истиқлолимиз-  
ни кўз қорачиғидек ас-  
раб-авайлаш учун фи-  
дойилик намунала-  
рини кўрсатаётган*



*барча ҳарбийлари-  
мизни, юртдошлари-  
мизни қутлуғ айём —  
Ватан ҳимоячилари  
куни билан самимий  
муборакбод этади!*



## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тўқувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.  
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Куйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

#### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Жуман бобо  
Қурбонов!

*Сизни табаррук 83 ёшингиз би-  
лан муборакбод этамиз. Илоийм бо-  
лалар, невара-чевараларингиз бах-  
тига соғ-омон бўлинг. 100 ёшлар-  
га кириш, сизга Яратгандан мус-  
тахкам соғлик тилаймиз.*

Набирангиз Қодирова Ойгул  
ва Жасурбек

#### ЭЪЛОН!

Фуқаролик ташаббусларни  
қўллаб-қувватлаш марказининг 2004  
йил 25 августда берилган 589-сон-  
ли ташкилот гувоҳномаси йўқолган-  
лиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

...Гулсулувнинг ичи зардобга тўлиб кетди. Ахир, етти йилдан бери бир гўдакни бағрига боса олмайди. Йўқ, Худо бермайдимас беради, юкли бўлади. Ҳомиласи олти ё етти ойлик бўлганида, уни ногоҳ дард тутади. Гўдаклари ёруғ олам юзини кўра олишмайди, тиряк туғилгани ҳам ўн-ўн беш дақиқагина яшайди, холос

— Бир килиғи Тангрива ёкмаган банда экансан ўзим. Айт, нима гуноҳ қилувдингки, пешонанг шунчалар шўр? Айт, шўртумшук! — махаллада шартаки феъли билан танилган қайнонасининг очиқ-ошкора таъна-маломати Гулсулувнинг юрагини ўртади. Пишаётган кувисини кучоқлаганча увиллаб йиғлаб юборди. Барибир, қайнонасининг унга раҳми келмади.

— Шу сафар эплаб туғолсанг туғдинг, яна аввалгидай бўлса, бу уйда қорангни кўрсатмагин! — деди ғазаб билан.

Гулсулув йиғлай-йиғлай толикиди. Сўнг ток тагидаги сўрида ўтириб, хаёлга чўмди. Бу азоблар унга бежиз берилмапти. Бир пайтлар қилган оғир гуноҳи учун товон тўлапти. Аммо бу ҳақда бировга тиш ёриб айтолмайди, кўрқади. Аммо кечаю кундуз Яратганга ёлворади, кечирим сўрайди. Авфдан умидвор бўлади...

...Ушанда у янги келин эди. Қорнида икки-уч ойлик гумонаси бор, қайнона-қайнотаси, эрининг ардоғида бўлган кезлари. У кўпинча уйда ёлғиз қоларди. Оиланинг бошқа аъзолари тонг сахарда адирдаги ҳосилни йиғиштиришга чиқиб кетиб, қош қорайганда қайтишарди.

Кунларнинг бирида ҳовлида бир мушук пайдо бўлди. Гулсулув уни харчанд хайдамасин, нари кетмай кўйди. Мушукнинг вазмин ҳаракатидан унинг яқинда она бўлишини билиш қийин эмасди. Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай мушук болалади. Жини суймайдиган жониворнинг учтага кўпайганини кўрган Гулсулувнинг жон-пони чиқиб кетди. Она мушукни болалари билан ҳайдаб-суриб кўчага олиб чиқиб кўйди, лекин у яна ҳали кўзи очилиб-

очилмаган болалари билан ошхона бурчидаги жойига келиб ётиб олди.

“Ҳап, сеними, ҳали қараб тур. Энди ўзингдан кўр!” деди ўз-ўзига бир кун Гулсулув. Ушанда вақт пешинга яқинлашиб қолганди. Пайт пойлаб туриб, Гулсулув мушук болаларининг иккитасини эски этакхалтага солди. Ижирганганча латтани ўраб, кўчага ошиқди. Ҳовлиларидан юз метрча наридан

ланиб чиқди ва ниҳоят кўзи ёриди. Аммо чақалогини бағрига босиш на-сиб этмади...

Бу ҳол ўтган йиллар ичида уч бор такрорланди. Қайнонасининг ёзирганича бор. Тағинам шунча пайт тоқат қилишди...

Айтганча, ўша воқеадан кейин она мушук қолган битта боласини эргаштирганча қаёққадир кетиб қолди. Унинг йўқолганини кўрган Гулсулув севинди.

«Қанчалар гумроҳ бўлганман-а, агар бу шунчалар оғир гуноҳ эканини билганимда, икки дунё бундай қилмаган бўлардим», ўйлади Гулсулув. Пушаймонлик ҳисси унинг қалбини ёндирди.

Шу келса уни дард тутди. У тўлғоқ азобини ҳам ҳис этмас, тинмай нола қиларди. Гойибона кимдандир узор сўрарди. Тугруқхонага эри ва қайнонаси бирга борди. Тўрт соатлик ўлим ва хаёт орасидаги олишувдан сўнг Гулсулувнинг кўзи ёриди.

— Туғилди! Бўлди, эсон-омон қутилдинг. Муборак бўлсин. Ўғил, ўғил туғдинг! — деди кекса доя. У сўзини тугатар-туғатмас чақалоқ “инга”лаб юборди.

Гулсулув Худога шукроналар келтирди. Севинчдан йиғлаб юборди. Аммо вужудида яна қайта кўзбоғлан оғриқдан чинқириб юборди.

— Яна, яна битта бола туғилди! — деди ногоҳон доянинг ёрдамчиси бўлган аёл ҳовлиқиб.

Гулсулув иккинчи боласини ҳам соғ-омон дунёга келтирди. Бир йўла икки ўғилнинг онаси бўлди у. Кувончлари оламга сизмади унинг. Эри ошна-оғайнисига зиёфат беришни бошлаб юборди. Қайнонаси унга бош-оёқ сарпо қилишга тушиб кетди. Қишлоқда у ҳақда дув-дув гап бўлди.

— Ёруғ кунлари олдинда экан-да, бояқшининг. Ўзим эгиз туққандай севиндим-а!

— Чин кўзи билан бергани рост бўлсин.

— Гулсулув неча йиллик маломатдан қутулди-я, муборак бўлсин! Гўдаклар жуда яхши катта бўла



оқиб ўтадиган катта анҳор бўйига борди-да, мушук болаларини этакдан олди. Момиқ жунли мушукчалар нажот тилаб Гулсулувнинг оёғига суйқалишди. Аммо жувоннинг қаҳри қайнаганди. Гулсулув аввал сарғиш тусли мушукчани анҳорга тепиб юборди, сўнгра оппоғини...

Иккинчи мушукча ўлишни истамай Гулсулувга шундай қарадики, аёлнинг танаси жимирлаб кетди. Аммо ўзини тўхтаб қололмади. Мушук болалари сувда бир кўриниб, бир кўринмай биғиллаганча оқиб кетишди...

Гулсулув бу ишини ҳеч кимга айтмади. Тезда нутиб ҳам юборди. Орадан тўрт ой ўтиб, бир кун Гулсулувни дард тутди. Оқшом чоғи уни тугруқхонага элтишди, у тонггача азоб-

## Тўқилмаган ҳикоя

бошлашди. Бирпасда бир йил ҳам ўтиб кетди. Гулсулув болаларини еру қўкка ишонмасди. Оналик бахти уни янада кўркли қилиб юборди.

Ҳасан-Ҳусанлар йўлга юриб, атак-чекак қила бошлашди. Гулсулувнинг эри уларга суннат тўй қилиш ҳаракатига тушиб, кўпроқ пул жамғариш ниятида даладан бери келмасди.

Гулсулувнинг бахти тўқис эди. У мушук болалари ҳақида умуман ўйламай кўйди. У ҳам тўйгача кўрпа-тўшакни янгилаб олиш учун шу ишга уринди. У юмуши билан андармон бўлиб, болаларни кўчага чиқиб кетганини сезмай қолди. Кун иссиғиданими ёки уваданинг чангидан, сув ичишни истаганидагина атрофида болаларни йўқлигини сезди.

— Ҳасан! Ҳусан! — у овози борича бақирди. Сўнг кўча эшикни очиқ турганини кўриб, жон алфозда ўша ёкка югурди. Бир мушук болалар қарши-сида турар, болалар эса анҳорнинг жудаям қирғоғида эдилар. Агар мушук озгина силжиса, ундан кўрқаётган болаларнинг анҳорга тушиб кетиши муқаррар эди.

— Йўқ! — анҳор бўйига борган Гулсулув чинқириб юборди. — Қоч, болаларимга тега! Қоч!

Аёл кучи борича болалари томон югурди.

— Пишт! Йўқ! Болам, болаларим! Ёрдам беринглр!

Жунлари хурпайган мушук совуқ ўт чақнаган кўзларини Гулсулувга тикканча болаларни таъқиб қилиб бораверди. Гулсулув кўлига тушган нарсани мушукча улуктирар, аммо отилган тош-кесаклар унга етиб бормасди.

Мушук бирдан болаларга ташланди. Чинқириб юборган болалар туйқус анҳорга думалаб кетди...

Гулсулув анҳор ёқалаб дод соларди, сўнг ўзини анҳорга ташлади...

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, Гулсулувни анҳордан ҳушсиз ҳолда чиқариб олишди. Болаларни эса қутқариб қолишининг имкони бўлмади. Жувон ўзига келди, аммо у болаларидан айрилганини билгач, бутунлай ақлдан озиб қолди...

Шахло ТОШБЕКОВА.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ КЎП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКА ЖАМОАСИ

барча ҳамкасбларимиз ҳамда  
ҳамюртларимизни

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун  
билан самимий муборакбод этади!

2014 йилги инвестиция дастурига мувофиқ қайта қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Тиббиёт масканимизда Баҳодир Раҳимов, Олтибой Дўстқулов, Нурали Мўминов, Зариф Шомуродов сингари жонқуяр шифокорлар ўз касбларини ардоқлаб, намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда.



РЕКЛАМА

## ГЎДАКЛАР КЎРМАЙДИЛАР(МИ?)...

Янги туғилган боланинг кўриш қобилияти катталарниқидан анча фарқ қилади. Дастлабки кунларда онгли кўриш қобилиятига эга бўлмайди. 2-5 ҳафталик бўлгач, буюмга, ёруғ нурга кунт билан қарашга уринади. Икки ойдан бошлаб, ҳаракатланаётган ялтйроқ нарсаларни илғай бошлайди. Ана шу даврда боланинг кўриш қобилияти шаклланади. Бола нафақат она кўкраги, юзини ҳамда ўйинчоқларни кўради, балки уларни таниб, ажрата олади ва табассум билан жавоб беради.

Атроф-муҳитни бор ёрқинлиги билан қабул қилиш учун боланинг кўз тўр пардаси ҳам “воягетили” ва ўсиши керак. Бу ўсиш дастлабки олти ойда бир йилда жуда фаол кечади. Болаларда кўриш қобилияти ҳар хил ривож-

ланади. Баъзи болалар чироқнинг ёрқин нуруни 2 ойлигида кўра бошласа, бошқалари 4 ойлигида бу жараённи бошдан кечиради. Кўзнинг асосий ўсиши ва ривожланиши 2-3 ёшгача, кейинчалик эса 15 ёшгача давом этади.



Ёш оналар гўдакнинг кўз қорачиғига эътибор қаратишлари лозим. Боланинг кўз ҳаракати бежо бўлиб, бирор нарсада нигоҳини тўхтатмаса, бу вақтинчалик гилайлик аломати бўлиши мумкин. Биринчи 6-10 ойда бу меъерий ҳисобланади. Шунингдек, боланинг киприги кўз ичи-

## Маслаҳат

га қайрилиб қолмаслиги керак. Асосий ҳимоя воситаси — кўз ёши ажралмаслиги сабабли, гўдакнинг кўз шиллиқ пардаси (конъюктивга) эътибор қилиш лозим. У ҳали қуруқ ва юққа, шунинг учун унда қизаришлар ва ажралмалар пайдо бўлиши мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, барча болалар узокни яхши кўришади. Улғайгани сайин бу жараён ҳам камаяди. Гўдакнинг оқ-қора дунёси аста-секин ёрқинлашиб боради. 2-6 ойлигида рангларни ажрата олиш қобилияти пайдо бўлади. Дастлаб қизил, кейинроқ кўк ва яшил рангни, 6 ойлигида эса сариқ, оқ, жигарранг, ҳаворанг, яшил ва ниҳоят сиёҳрангни ҳам ажрата олади. 3 ёшида боланинг ранг ажратуши қобилияти етарлича ривожланган бўлади. Аммо бу жараён ҳали давом этади.

Латофат  
САЪДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

**БИР САВОБТАЛАБ АЁЛ БЎЛСА...**

Бошқаларни билмадим, лекин мен шундай фикрдаман. Нега десангиз, баъзан кўча-кўйда, давраларда хотинидан нолиб қоладиган эркекларни учратаман. Секин бориб, дардини эшитсангиз, айб аслида унинг ўзида экани аён бўлади. Яъни, тайинли касби йўқ, топган пулига улфатчилик қилади, бу ҳам етмагандек, хотинини ишламайсан, текинхўр, деб сўкади. Бундайлар кам дейсизми?

Шукрки, мен бунақа тоифадан эмасман. Маълумотим олий, касбим иқтисодчи. Бу йил олтмиш баҳорни қаршилаيمان. 2011 йилда умр йўлдошим хасталик туфайли дунёдан ўтган эди. Тўрт фарзандимнинг ҳаммаси оилали, ўзларидан тинган. Ҳозирда кенжа ўғлим билан бирга яшайман. Нолисам, ношукрлик бўлади, камим йўқ. Фақат ёлғизликдан қийналяпман, холос. Баъзан кечалари уйкум қочади, юрак безовта қилади. Шундай пайтда бир махрам аёлга муҳтожлик сезаркансан киши. Бу ҳақда бир неча марта дўстларим гап очишди, мен эса болаларим не дер экан, деган истихолода юрдим. Яқинда катта ўғлимнинг ўзи: "Дада, уйланинг, биз розимиз", деб айтиб қолди. Илкони борича, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд тарафлардан бирор савобталаб аёл чиқса, уйланардим.

Тўлқин ЙЎЛЧИЕВ,  
Жиззах вилояти.

**НЕ ҚИЛАЙ, КЕЧИРОЛМАДИМ**

Менинг ҳам орзуларим бир дунё эди. Ёр-ёрлар сандоси, чимилдик, одмигина тўй, тинч-тотув турмуш насиб этди. Жуда бахтли эдик биз. Аммо... мен севган, қадрлаган эримнинг хиёнати бир кунда ҳаммасини чилпарчин қилиб юборди! Шайтон йўлдан урдими ёки ўзида аввалдан зинопарастлик касали бўлганим, билмайман, тўйимизга энди бир йил тўлай деганда кечириб бўлмас гуноҳга қўл урди. «Бундай кимса билан қандай яшайман», деганимдан кейин, ноилож қолган ота-онам ҳам қонуний ажралишга рози бўлишди.

Вақт ҳамма нарсани даволайди, дейишади. Балки ростдир. Ҳаммаси изга тушиб кетди. Нолимайман, яхши кўрган соҳам бўйича кўпгина ютуқларни қўлга киритдим. Йигирма беш йилдан бери бир жамоада ишляпман. Тақдир экан-да, қанча жойлардан тақлифлар бўлди, лекин қайта турмуш қуришга юрагим бетламади. Туғишганларим ҳам юрак ютиб, «яна турмуш кургин», деб айтолмади. Энди-энди ёлғизлигим жуда билинпоти. Нима қилай, кеч бўлса-да сизларга мурожаат қиляпман. **Ёшим 51 да.** Уй-жойи тайин, иймони бут, меҳрибон бир инсон учраса, бахтимни боғласам.

ШОҲИДА,  
Тошкент шаҳри.

**ШАРШАРАЛАР  
МЎҶИЗАСИ  
Муз-шаршара**

Роппа-роса бир йил аввал машхур Ниагара шаршарасининг музлагани ҳақида маълумотлар тарқалган эди ва бутун дунёни ҳайратга солганди. Энди эса музликка бўйсунган шаршаралар манзилини ўзгартиради. Ниагарага нисбатан дунёнинг чеккаси ҳисобланган Хитой



сари йўл оламир. Хуанхэ дарёси оқимида баландлиги 20 метрни ташкил этувчи Хукоу шаршараси мавжуд. Бу шаршара дунёнинг номдор шаршаралари билан беллаша олма-са-да, катталиги жиҳатидан Хитойда иккинчи ўринда туради. Хукоунинг ўзига хослиги шундаки, қиш совуқ келган йилларда сув юзасида улкан муз парчаларининг оқими кузатилади. Дарёнинг шаршара қисмига етганида эса бу муз-тошлар шарақлаб, шунақанги рақсга тушадик, табиатнинг бу гўзаллигини ҳеч бир рассом тасвирлаб беролмас керак.

**“Қонли шаршара”  
(Blood Falls)**

Бу шаршара Антарктиданинг Тейлор музлиги бағридан сизиб чикувчи қон рангидаги кизғиш суюқлик оқимидан пайдо бўлади. Сув таркибидаги темир оксидининг та-



та миқдори ушбу гаройиб шаршарага кизғиш тус беради. Темир моддасига бой бўлган шўр сув Тейлор музлиги тиркишидан вақт-бемаҳал оқиб туради. Шаршарадан бир неча километр нарида 400 метр қалинликдаги муз билан қопланган қўл кизғиш сувнинг манбаи ҳисобланади. Қўл эса қачонлардир денгиз суви кўтарилиб, қуруқ водийни босиб, сўнг яна ўзанига қайтган ҳамда миллиондан 4-1,5 миллион йиллар аввал у ерларни музликлар қоплаган даврларда ҳосил бўлган. Бу сувнинг тузлилиги дунё океанларининг шўрлик даражасини тўрт баробар ошириб туради. Шу боис шаршара суви 10 даража совуқда ҳам музламайди.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

**“Бахтли бўлинг” саҳифаси****ОТАМНИНГ КАСРИГА ҚОЛДИМ**

Оилада уч фарзандимиз. Акам, укам ва мен. Болалигимни яхши эслайман, отам жуда қаттиққўл ва жиззак инсон эди. Етимликда ўсган онамни кўп хўрлаганлар. Айрим пайтларда қўл кўтаришдан ҳам тоймас, бор овози билан бақириб уришаверарди. Ака-укаларим билан онамга раҳимимиз келарди, ўзимиз ҳам кўрқувдан титтардик.

Бир куни ярим тунда дадам маст аҳволда кириб келиб онамни роса дўппослади. Мен эса бу аянчли ҳолатни кўриб, қичқириб йиғладим. Жазавага тушган отам менинг устимга бостириб кела солиб, юзимга бир мушт туширди. Бир маҳал кўзимни очсам, теламда бувим дадамни қарғаб ўтирибдилар. Кейин билсам, онам мени бу ерга ташлаб кетган экан. Шу йили мактабга чиқдим. Онам тез-тез ҳолимдан хабар олиб турди. Нимасини айтай, ота-онам ҳаёт бўла туриб, мен етимдек катта бўлдим. Отам барибир ўзгармади, онам эса хасталикка чалиниб қолди. Шу орада момом ҳам дунёдан ўтиб, мен тоғам ва келинонимнинг қўлида яшай бошладим.

Мактабда яхши ўқиб, коллежни ҳам муваффақиятли тугатганман. Қўлимда гулдек хунарим бор. Лекин, энг ёмони, одамларни менинг яхши хулқим, аъло баҳода ўқиганимдан кўра, насл-насабим, ота-онамнинг кимлиги кўпроқ қизиқтиргани учунми, неча марта тоғамникига совчилар келса, отамнинг номини эшитган захоти қайтиб сўрашмайди. Ҳозир **ёшим 28 да.** Шу газетани кўпдан бери ўқийман, айниқса, “Бахтли бўлинг!” саҳифаси орқали ўз жуфтларини топаётганлар ҳақида эшитсам, суюнаман. Қанийди, менинг ҳам бахтим очилса...

ГУЛМИРА,  
Қашқадарё вилояти,  
Шахрисабз тумани.

**НА УЙГА, НА КЎЧАГА  
СИҚАМАН**

Ёқутхон билан беш қиз, бир ўғилни вояга етказиб, ҳаммасини уйли-жойли қилдик. Бирок, ўтган йили қутилмаганда юрак хуружи туфайли аёлим дунёдан ўтиб қолди. Бир умр ёнма-ён яшаб, суяк бўлиб юрган кишингдан айрилмоқ даҳшатли азоб экан. Шундан бери на уйга, на кўчага сиқаман, хотиржамлигим йўқолган.

Қачондан бери тушқун аҳволда юрганимни бегонага айтсам, тўғри тушуниши мумкин, лекин ўзимникилар устимдан қуладими, деган ўйда эдим. Яқинда ўғлимнинг ўзи гап очиб қолди: “Дада, минг бора узр, иш, рўзғор ташвиши билан овора бўлиб, ота-бола дардлашолмай ҳам қолдик. Қанийди, онам тирик бўлганларида сиз ҳеч қачон бу даражада ёлғизлигим қолмасдингиз. Агар хўп десангиз, сизнинг иссиқ-совуғингизга қараб турадиган бирор аёл топсақ, нима дейсиз?”. Ростини айтсам, жуда хижолат тортдим. Аммо сездирмадим. Ўтган куни сингилларимдан бири “Оила ва жамият” газетасини кўтариб келди. Айрим инсонлар бошидан ўтган кечинмаларни ўқиб кўрсам, менга маъқул тушди. **Ёшим 63 да.** Маълумотим олий. Ҳозир нафақадаман. Ҳовли-жойим етарли.

ЮСУФБОЙ ака,  
Хоразм вилояти.

**ДАРДИГА  
ДАРМОН  
БОРМИ?**

Яхши қиз маҳалладан чиқмайди, деган гап бор халқимизда. Синглим Мақсуда ҳам жуда озода, ибодати киз бўлгани учун ён кўшимизга келин бўлиб тушган эди. Турсунбой билан етти йил бирга яшашди. Уларнинг бир-бирига меҳрибон эканлигини кўриб, ҳаммамнинг ҳаваси келарди. Минг афсуски, Оллоҳ уларга фарзанд бермади. Ноиложликдан ажралишга мажбур бўлишди. Кўп ўтмай, Турсунбой уйланди ва яқинда фарзандли бўлди. Шундан бери **30 ёшни** тўлдираётган Мақсуда синглимнинг дарди ичида. Илтимос, унга биргаликда ёрдам берайлик. Иложи борича Самарқанд вилоятида яшовчи, касби-кори, уй-жойи тайин, 40 ёшгача бўлган йигитлар бўлса манзилмизни берсангизлар.

МАСТУРА,  
Самарқанд вилояти.

**ҲАЁТИНИ ГАРОВГА ҚЎЙДИ**

Ҳаётгул билан кўп йиллик дугонамиз. Ҳеч кимга айтолмаган сирларимизни бир-биримизга илинадим. Тўғриси айтсам, унга жуда ҳавасим келади. Сабр-тоқатига балли дейман. Бундан 23 йил аввал акаси автоҳалокат туфайли оламдан ўтиб қолди. Энг ёмони, ўшанда Ҳаётгулнинг тўйи бўлишига бир ҳафтагина вақт қолганди. Азадор бўлганини боис тўй кечиктирилди. Орадан бир неча ой ўтганидан кейин дугонам куёв бола билан қутилмаганда орани очиқ қилганини айтганида ёқамни ушладим. Сабабини сўрасам, акасининг тул қолган аёли икки фарзандини Ҳаётгулларга ташлаб кетиб қолди. Жиянларимни ўзим катта қиламан, жигарининг руҳи безовта бўлмасин деб ўз ҳаётини гаровга қўйган дугонам яқинда кенжа жиянини узатди. Минг афсуски, **44 ёшга** тўлган бўлса-да, у турмуш қурмади. Яқинда дардлашиб қолдик. “Нима қилай, Самира, пешонамда шундай қисмат ёзилган экан-да, балки ҳалиям кеч эмасдир”, деб қулиб қўйди. Сездимки, агар унинг ўзига ўхшаган бир сўзли, иродали, ҳаммага яхшилик соғинадиган инсон учраса, у турмушга чиқишга рози.

САМИРА,  
Қорақалпоғистон Республикаси.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:  
(8-371)234-25-46

Яқинда тижорат банклари-дан бирида навбат кутишимга тўғри келди. Кассада ўтирган, пардозлари жойида бўлса-да, қарашлари совуқдон ходима ҳаммага малолланиб хизмат кўрсатмоқда. Унинг аччиқ ва қўпол муомаласидан икки-уч нафар мижозлар ранжиб чиқиб кетишди. Шу маҳал ўша ходимани ҳамкасбларидан бири чақириб қолди.

— Жойимдан кетолмайман, — деди ходима жаҳл билан, — кўрмаяписизми, қаршимда ўн бешта башара қараб турибди. Ҳаммасининг иши зарур эмиш!

Одамларнинг юзига таажуб ва норозилик ифодаси қалқиб чиқди. Мижозлар орасида табаррук ёшли отахон ва онахонлар ҳам бор эди. “Ўзидан катта ёшлиларни “башара” деб аташга қандай тили бордийкин?”, дея гудранди бир киши норози оҳангда.

Тўғри, ходиманинг иши ниҳоятда кўп, кўли-кўлига тегмаётгандир. Нима бўлган тақдирдаям, бунақа кўполлиги билан мижозларнинг кўнглига озор бериб кўйишини ўйлаб кўрмадимкин?

Тўғри, кўрс ва кўполлики турли тоифа вакиллари орасида учратиш мумкин. Лекин бу борада ёшлар

## ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ, УМРИМИЗ ЕТАДИ!

“фаоллик” кўрсатаётгани янада ачи-нарлидир. Фарғона шаҳрига йўналишли таксилардан бирида кетаётгандим. Ҳайдовчимиз — ёши каттарок киши бир бекатга кимнидир туширмоқчи бўлди. Олд тарафда кета-

дай безбетликдан жаҳли чиққан амаки:

— Ҳой, сенга гапиряпман, таъқиқланган жойдан машинангни ол!

— Сабр қилиб турсанг-чи чол!

Ҳаммамиз беихтиёр отаси тенги одамни сенсирётган йигитчага қарадик. Асаби қақнаган хайдовчи машинадан отилиб тушди. Биз ўртага тушмасак, ҳалиги кўпол хайдовчи муш-лашишга тайёр. Хуллас, бир илож қилиб, муроасага келтирдик. Лекин “Дамас”ни учуриб кетаётган йигит бир оғиз ке-чирим ҳам сўрамагани бизга алам қилди...



ётган “Дамас”ни бошқараётган ёшроқ йигит сира йўл бергиси келмай, асабга тегаверди. Тоқати тоқ бўлган хайдовчи: “Барака толгур, мен йўловчи туширяпман, сал четроққа ол”, деди. “Дамас”чи унга беписанд қаради-ю, юзини тескари буриб тураверди. Бун-

Америкалик файласуф ва шоир Ральф Эмерсон “Кишиларнинг хушмуомала бўлишлари учун умрлари бемалол етади”, деганида минг бора ҳақ, Хушмуомалаликка ҳақ тўланмаса ҳам у кўп наф келтиради. Лекин буни ҳар доим ҳам англайвермаймиз.

Муомаланинг салбий кўринишларига нафақат ёшлар, балки катталар орасида ҳам тез-тез дуч келамиз. Айримлари давраларда ҳам одобдан, тарбиядан тўлиб-тошиб гапиршибди-

Ойна

ю, лекин, ўзлари айтганларига амал қилмайдилар. Салом берсангиз, малол келгандек, ноилож бош ирғайдилар. Бундайларга қарата донишмандлар таъкидлаган ҳикматни айтгингиз келади: “Ҳаётда муваффақият қозониш учун истеъдоддан кўра, кишилар билан хушмуомалада бўлиш кўпроқ муҳимдир”.

Икки оғизгина ширин сўз билан кадрдонлар қалбини тоғ каби кўтаришининг савоби қанчалар улуғ! Буни ҳаммамиз тушунамиз, биламиз, кимгадир ўргатамиз ҳам. Аммо ўзимиз амал қилмаймиз. Кўча-кўйда, йиғинларда, дўстлар даврасида ҳам айни шу кўпол сўзлашув меҳри риштала-римизнинг дарз кетишига сабаб бўлиб қолаёпти.

Кечагина гавжум бозорда яна шундай ҳолатга гувоҳ бўлдим. Харидорга маҳсулот нархи маъқул бўлмади, шекилли, кетишга чоғланди. Сотувчи қошларини чимирганча иддао қилди: “Олмасанг нимага суриштирасан?” Ҳалиги одам истеъзо аралаш айтилган бу гапни эшитдим, йўқми, билмадим...

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

### ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КАФОЛАТЛАНГАН

— Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция нима?

Р. Собирова.


— Ушбу Конвенция халқаро шартнома бўлиб, 1979 йилнинг 18 декабрида қабул қилинган ва аёллар ҳуқуқларини ўзида мужассам этган. Бу Конвенциядан ташқари хотин-қизлар ҳуқуқлари 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактларда, 1967 йилдаги Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларацияда ҳам ўз аксини топган.

Мазкур Конвенция жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилловчи, давлат ва жамият томонидан аёлларнинг жисмоний ва интеллектуал ўсишлари учун қулай бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитлар билан таъминлашга қаратилган чораларни белгилловчи асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Конвенция давлатларга аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканликларини, давлатлар эса жамиятнинг маданияти, аънавалари ва менталитетидан қатъи назар, улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари кераклигини эслатиб туради.

“Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда” китобидан олинди.

Ватанимиз мустақил-лигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини, сарҳадлари-мизни ишончли ҳимоя қилмоққа қодир мард, жасур, шижоатли ўғ-лонларимизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куну билан



## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

акциядорлик компанияси жамоаси

чин дилдан табриклайди!

Ўзларининг шарафли ва масъулиятли бурчларини адо этаётган офицер ва аскарларимизга улкан муваффақиятлар тилаймиз!



Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом аялдоқ учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқодир ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Умида АДIZОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ  
— 136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —  
7207. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Кабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5